



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “24 ” mart

Қ-187 -son

Termiz sh.

**Термиз тумани “Амударё Гулбахор” массиви “Гулбахор” маҳалласи ҳудудидан “SHER GOLDIN CHORVA” МЧЖга туяқушчиликни ривожлантириш мақсадида озуқа экинлари экиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 24 февралдаги 05-02/164-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2021 йил 16 январдаги 01-08/05-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Термиз тумани “Амударё Гулбахор” массиви “Гулбахор” маҳалласи ҳудудидан “SHER GOLDIN CHORVA” МЧЖга туяқушчиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 86 ва 88қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 38,3 балл бонитетли жами 2,2 гектар, шундан 2,1 гектар суғориладиган экин ер ва 0,1 гектар бошқа ер майдонлари озуқа экинлари экиш” учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов